

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси,
жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси

“5640100 - Ветеринария” таълим йўналишининг
кундузги бўлим 4-босқич талабаси

ЙЎЛДОШЕВ ЎТКИРБЕКНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Дезинфекцияловчи, антисептик воситаларнинг таъсир
механизми ҳамда қўлланилиши»

Илмий раҳбар:
доцент

Фармонов Н.О

Битирув малакавий иши муҳокама
қилинди ва ҳимояга рухсат берилди:

Кафедра мудири, доцент
_____ Р.М.Тоштемиров
Баённома № _____
« _____ » _____ 2011 й.

Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факультети
декани, доцент
_____ Фармонов Н.О.
« _____ » _____ 2011 й.

САМАРҚАНД – 2011

М У Н Д А Р И Ж А

I. Кириш.....	3
1.1. Мавзунинг долзарблиги.....	5
II. Адабиётлар таҳлили.....	11
2.1. Альдегидлар фармакологияси.....	15
2.2. Ўзидан кислород берувчи моддалар.....	18
2.3. Хлор препаратлари.....	19
2.4. Кислоталар, ишқорлар ва совунлар.....	22
2.5. Фенол ва унинг бирикмалари.....	23
2.6. Йод ва унинг препаратлари.....	36
2.7. Оғир метал тузларни сақловчи антисептик воситалар.....	39
III. Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисодиёти.....	45
IV. Фуқаролар муҳофазаси ва меҳнат фаолияти ҳавфсизлиги.....	51
V. Хулоса ва таклифлар.....	54
VI. Фойдаланилган адабиётлар.....	55
VII. Интернет маълумотлари ва иловалар.....	57

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодини бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш, иқтисодимизнинг асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жумладан чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўрайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 23 июньдаги 308-сонли “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга, жумладан фермер хўжалиklarига чорвачилик маҳсулотлари ишлаб, чиқариш, ҳамда уни янада кўпайтириш ва ривожлантириш кенг имкониятлар яратди. Президент Ислон Каримовнинг 2010-йилда Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011- йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Биз бугун 2010-йил яқунларини баҳолар эканмиз аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганлигини қайд этишимиз зарур. Шунини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008-йилда 9фоиз, 2009-йилда 8,1 фоиз, 2010-йилда эса 8,5 фоизни ташкил этади. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани, албатта барчамизга мамнуният бағишлайди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000-йилда нисбатан таққосланганда, 2010-йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисобланганда эса 1,7 баробар ошди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторига таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Мамлакатимизда 2010-йилда 2009-йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

2010-йилда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилади. Умуман олганда, 2005-2010 йиллир давомида 7 минг 800 дан ортиқ умум таълим муассаси, қарийб 1 минг 500 та касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010-йилда мактаблар касб-хунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 дан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди. Ўзбекистон ҳоли бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Бу ҳақида гапирганда, қуйидагиларни алоҳида такидлашимиз истардим.

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнес ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган таҳлил қилиш вазифаси топширалади.

Учунчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имконияларини кенгайтириш зарур.

Тўртинчидан, биз кичик бизнеснинг экспорт солоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак.

Бу борада кўриляётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, қуйидаги масалалар касб-хунар коллежлари фаолиятида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

1. 9-синф битирувчилари касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олиниши назарда тутилган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилинишини тегишли равишда тартибга солиш.

2. Ўқитувчилар касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш. Бу масала, кўп жиҳатдан уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик ўрганишимизга боғлиқ эканини унутмаслик зарур.

1.1. Мавзунинг долзарблиги.

Ҳайвонларда учрайдиган эллик фоизга яқин касалликларни микроблар пайдо қилади, ҳозирги кунда юқумли касалликларга 1000 дан ортиқ микроорганизмлар сабаб бўлиши маълум. Юқумли касалликлар айниқса ёш ҳайвонлар ўртасида кўп тарқалган.

Микробларга қарши моддалар энг самарали моддалар ҳисобланади, чунки улар касалликлар сабабчисига таъсир этади. Булар-микроорганизмларга икки хил таъсир кўрсатади: бактерицид-микроорганизмларни ҳалок қилади, бактериостатик - микрооргаишзмларнинг ривожланиши, кўпайишини тўхтатади. Лекин бактерицид ва бактериостатик таъсир ўртасига чегара қўйиш қийин, чунки бир хил модданинг кичик концентрацияси бактериостатик, катта концентрацияси бактерицид таъсир кўрсатиши мумкин.

Микробларга қарши моддалар 3 турга бўлинади: I. Дезинфекцияловчи моддалар. II. Антисептик моддалар. III. Химиотерапевтик моддалар.

Микробларга қарши моддалар деганда антисептик, дезинфекцияловчи моддалар кўзда тутилади, чунки улар асосан кучли бактерицид ва микробларга қарши кенг доирада таъсир кўрсатади. Дезинфекцияловчи моддалар идишлар, хоналар, тиббий асбоблар, кийимлардаги

микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатиш учун қўлланади. Бу моддалар ишлатилган жойларни ўзгартириши, ҳиди ёқимсиз бўлмаслиги керак.

Антисептиклар терида, шиллиқ қаватда ва яралардаги микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатиш учун қўлланади. Бу моддалар тўқималарни таъсирламаслиги, кўзғамаслиги, қўйилган жойидан қонга сўрилмаслиги, аллергиялик жараёнларни содир этмаслиги керак. Булар айниқса болалар учун кам заҳарли бўлиши керак, чунки уларда тўқима тўсиқлари ҳам яхши ривожланмаган бўлади.

Бу модданинг бирини антисептик, бошқасини дезинфекцияловчи дейиш, улар ўртасига чегара қўйиш қийин, чунки уларнинг кўпчилиги аниқ концентрацияда антисептик сифатида, ундан катта концентрацияда дезинфекцияловчи модда сифатида қўлланилади.

Химиотерапевтик моддалар микробларга танлаб таъсир этади, улар асосан организмда жойлашган микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатиш учун қўлланади.

Бу моддаларнинг микробларга қарши таъсир механизми уларнинг ривожланиши, кўпайиши, зарур оқсилларни ўзгартириши, ферментлар фаоллигини пасайтириши, хужайра мембраналари ўтказувчанлигини ошириши билан боғлиқ. Антисептик моддалар суяқ ва малҳам шаклида бўлади, тери, кўз касалликларида, яраларга, жарроҳлар кўлига, операция қилинадиган жойга ишлов беришда, гинекологияда, урологияда чайиш учун қўлланади.

Антисептик ва дезинфекцияловчи моддалар кимёвий жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади: 1. Галоидлар. 2. Қислота ва ишқорлар. 3. Оксидловчилар. 4. Оғир металл тузлари. 5. Формальдегид унумлари. 6. Қатионли совунлар. 7. Спиртлар. 8. Фенол унумлари. 9. Нитрофуран унумлари. 10. Бўёқлар.

Галоидлар қаторига хлор ва йод моддалари киритилади: Бу моддалардан хлор ва йод эркин ҳолда ажралиб, микроорганизм оқсилларини

коагуляция қилади ва уларни ҳалокатга учратади. Хлорли оҳак дезинфекция учун қўлланади, бу моддани албатта сувда эритиш керак, бунда кислород, хлор эркин ҳолатда ажралади, ажралган хлор микроб оқсилларини коагуляция қилади. Хлорли моддалардан хлорамин антисептик ҳамда дезинфекцияловчи модда сифатида қўлланади. Йод моддаларидан йоднинг спиртли эритмаси антисептик сифатида жуда кенг қўлланади. Люголь эритмаси (1 қисми сув, 2 қисми калий йодид, 17 қисми сувдан иборат) томоқ шиллиқ пардасига ишлов бериш учун қўлланади. Йодиол-йоднинг поливинил спирт билан сувдаги комплекси, бу моддадан йод аста-секин ажралади, спиртли йодга нисбатан таъсирловчи хусусияти деярли йўқ, шунинг учун янги туғилган ҳайвон болаларига беҳавотир қўллаш мумкин. Йодинат-юза фаол модда билан йоднинг сувдаги эритмаси, бу модданинг ҳам таъсирловчи хусусияти бор, чунки йод комплексдан секин ажралади.

Кислота ва ишқорлар. Барий, салицилат кислоталар муҳитни, рН ни кислотали тарафга ўзгдртиради. Шу туфайли микрооранизмларнинг ривожланишига шароит тўғри келмай қолади. Булардан кўпроқ борат кислота суюқлик, малҳам шаклида қўлланади, сепиладиган кукунлар таркибида ҳам мавжуд. Лекин борат кислотани катта эҳтиётлик билан ишлатиш керак, чунки шиллиқ пардалардан, қизарган теридан қонга сўрилиши, тўқималарда тўпланиб, буйракни жароҳатлаши мумкин.

Ишқорлардан аммиак эритмаси-новшадил спирти жарроҳлар қўлига ишлов беришда қўлланади.

Оксидловчилар-водород пероксид, калий перманганат. Бу моддалар тўқималар билан тўқнашганда уларни оксидлантиради, бу жараёнда кислород ажралади, кислород микроорганизмларга бактерицид таъсир кўрсатади. Водород пероксид қўйилган жойида кўп микдорда молекулали кислород ҳосил бўлади, шунда майда-майда пуфакчалар чиқиб, ярани тозалайди. Бу моддаинг микробларга қарши таъсири кучсиз ҳамда тез ўтиб кетади, чунки ҳосил бўлган кислород юзада бўлиб, хужайраларга ўтмайди.

Атомли кислороднинг молекулали кислородга нисбатан микробларга қарши таъсири кучлироқ бўлади. Калий перманганат микробларга қарши таъсир этади ҳамда хидларни йўсотади. Бу модда чайиш, яраларни, куйган жойларни ювиш, баъзи моддалар (морфин) билан заҳарланганда ошқозонни чайиш учун қўлланади.

Оғир металллар Pb, Al, Zn, Cu, Ag, Hg нинг тузлари микроорганизм ферментлари сульфгидрил туркумларини боғлаб, уларни ҳалокатга учратади. Келтирилган қаторнинг ўнг тарафида жойлашган металл тузларининг микробларга қарши таъсири кучли бўлади, улар таъсирловчи ва қуйдирувчи таъсир кўрсатади. Чап тарафда жойлашган Pb, Al, Zn тузлари микробларга кучсизроқ буриштирувчи таъсир кўрсатади. Бу моддаларнинг жойлардаги маҳаллий таъсири улар ҳосил қиладиган тузлар концентрациясига ҳам боғлиқ бўлади.

Антисептик сифатида симоб тузларидан симоб дихлорид, симоб оксицианид, симобнинг кулранг ва сариқ малҳами қўлланади. Бу моддалар юкори даражада микробларга қарши таъсир этади, шу билан бирга маҳаллий қўлланганда қонга сўрилиши ва организмни заҳарлаши мумкин. Симоб тузлари билан тасодифан ва ўз жонига қасд қилганда ўткир заҳарланиш мумкин. Бунда қоринда кучли оғриқ туради (ошқозон шиллик пардасини куйдириши туфайли), бемор қусади, кўпинча қон қусади, нерв системаси, юрак-қон томирларда катта ўзгаришлар рўй беради. Икки-уч кунлардан кейин буйрак ҳамда меъда-ичак жароҳатланади-некротик ўзгаришлар пайдо бўлади. Буйрак тубдан ишдан чиқади-иккиламчи буришган буйрак ҳосил бўлади. Ўткир заҳарланишни даволаш учун-металлар антидоти, ўз таркибида симоб ва умуман оғир металл тузларини боғлайдиган S-H бирикмалардан иборат бўлган модда-унитиол қўлланади. Ошқозон буриштирувчи моддалар билан чайилади. Енгил, ўртача заҳарланганда сийдик ҳайдовчи моддалар юборилади, оғир заҳарланганда гемодиализ, перитонеал диализ қилинади.

Кумуш тузларидан кумуш нитрат, протаргол-кумушнинг оксил билан бирикмаси, колларгол-коллоидли кумуш қўлланади. Прогаргол, колларгол микробларга, яллиғланишга қарши, буриштирувчи хусусиятга эга, улар кўз касалликларида, яраларни, сийдик йўллари учун қўлланади. Кумуш нитрат-ляпис эрозияларни, сўгалларни куйдириш учун ишлатилади.

Мис сульфат, рух сульфат ҳам микробларга қарши ва буриштирувчи модда сифатида офтальмологияда қўлланади. Алюминий тузлари-аччиқ тош оғизни чайиш учун стоматитларда қўлланади. Формальдегид унумларидан-формалии (формальдегиднинг 40% ли сувли эритмаси), гексаметилентетрамин (уротропин) қўлланади. Формалин микробларга қарши кучли таъсир этади, оксилларни денатурация қилиб микроорганизмларни ҳалок қилади. Хирургик асбобларни дезинфекция қилиш ҳамда консервант сифатида қўлланади. Гексаметилтетрамин кислотали муҳитда парчаланади, ундан формальдегид ажралиб микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатади. Антисептик сифатида сийдик йўллари жароҳатланганда ичишга буюрилади ва венага юборилади.

Спиртлар. Тиббиётда этил спирти қўлланилади, 20-40° ли спиртнинг таъсирловчи хусусияти бор, 70-95° ли спирт микроорганизмлар сувини тортиб, оксилларини ҳалок қилади. Қўлларга, жарроҳлик майдонига ишлов бериш учун, яъни антисептик сифатида 70° ли спирт қўлланади, чунки бундан юқори даражали спирт тери оксилларини денатурация қилиб, спирт чуқурроқ ўтолмай, у ердаги микробларга қарши таъсир кўрсатолмайди, 95° ли спирт дезинфекцияловчи модда сифатида хирургик асбобларни дезинфекция қилиш учун ишлатилади.

Фенол унумларидан лизол, резорцин, қайин қорамойи. Фенол энг қадимги антисептиклардан бўлиб, бактерицид, инсектицид таъсири бор. Фенол ҳатто микробларнинг вегетатив шакллари ҳам ҳалок қилади. Фенол эритмалари дезинфекцияловчи модда сифатида қўлланади. Фенол липофил модда бўлгани учун тери ва шиллиқ пардалардан яхши сўрилиб, организмни

захарлаб қўйиши мумкии, марказий нерв системасини, юрак-қон томирларни жароҳатлайди.

Лизол ҳам дезинфекцияловчи модда сифатида қўлланади. Резорциннинг сувли, спиртли эритмаси ва малҳами экзема, себоррея, замбуруғли касалликларда қўлланади.

Қайин қорамойи тери касалликларида қўлланади, кенг қўлланадиган А. В. Вишневский бальзамининг асосий моддасидир.

Нитрофуран унумларидан антисептик сифатида фурацилин кенг қўлланади. Бу модда терига, шиллиқ пардаларга, яраларга, бўшлиқларга ишлов бериш учун қўлланади. Нитрофуран унумларидан фуразолидон, фурадонин химиотерапевтик модда сифатида қўлланади.

II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Маълумки, кишилар юз йиллар давомида минерал, ўсимлик ва ҳайвонлар организмидан, таркибидан кўпгина моддаларни текшириб, топиб олиб ҳар хил касалликларни даволаш мақсадида, уларнинг олдини олиш учун қўллаб, текшириб кўриб келганлар, Лекин, кўп йиллар давомидаги олиб борган ишлари жуда оддий (эмперик) характерга эга бўлган деса бўлади, чунки органларнинг тараққиёти анча орқада эди.

Фақатгина табиий фанларнинг тараққий этиши натижаси орқали аста-секинлик билан йўллар очила бошлади, XIX асрнинг охирига келиб барча табиий фанлар қаторида микробиология, вирусология ва эпизоотология илм фанларига ҳам тезлаб ривожланиш учун қийинчиликлар билан бўлсада шарт-шароитлар яқинлаша бошлади:

Айниқса, дорилар билан даволаш 2 йуналишга ажрала бошлади:

1) Фармакотерапия - юқумсиз ва юқумли касалликларни, тери ва бошқа кенг тарқалган жароҳатларни дорилар ёрдамида даволаш;

2) Химиотерапия-юқумсиз ва юқумли, инвазион ва бошқа касалликларни чақирувчи сабабини йўқ қилиш (ўлдириш) учун ҳар хил кимёвий моддаларни қўллаб кўриш кенг кўламда кучайди.

Айниқса, XIX аср охирига келиб, химия (кимё) фани кучли ва тез тараққий эта бошлади. Кимё фанининг тараққий этишида рус олимлари Н.Н.Зинин, А.М.Бутлеров, Д.И.Менделеев, Д.Л.Романовский ва бошқаларнинг ҳиссалари ўта кучли булди.

1) Зинин - нитробензол таркибидан - анилинни синтетик усул билан ажратиб олиш усулини яратди; Кейинчалик синтетик кимё дунё бўйлаб кучайиб кетди.

2) Зининнинг шогирди Бутлеров эса органик бирикмаларнинг тузилишини ва уларнинг таъсири тузилишига боғлиқ эканлигини тасдиқда берди. Ундан ташқари Бутлеров хинин моддасининг тузилиши (структура)ни кашф

этди. Ундан кейин 50 йил ўтгач, хинин дорисининг "конкўренти" ўрин босари - плазмохин (плазмоцид) аниқданди. Чунки, унга қадар "безгак" - милярия касаллигига (қарши, уни фақатгина хинин дориси билан даволаб келинган эди.

3) XIX афнинг яна бир буюк янгилиги Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системасидир. Ҳозирга келиб Менделеев даврий системасидан доривор моддалар тайёрлаб қўлламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги антимикроб-микробга қарши таъсир кўрсатади. Масалан: маргумуш, сурьма, висмут бирикмалари ва бошқалар.

4) Табибларда кимлар ва олимлар 300 йилдан зиёдроқ давр ичида хининни малярия (безгак)ни даволаб келишган. Лекин, улар хининнинг организмнинг химоявий кўчириш ошириш орқалими ёки ундаги паразитни ўлдириш орқали амалга ошириладими билишмаган. Ушбу саволни рус олими Д.Л.Рамоновский очиб берган, яъни безгак паразитини хининнинг ўлдириши билан амалга оширилишини исботлаб берган эди.

5) Кимёвий моддалар ёрдамида микроблар, вируслар ва бошқаларни ўлдириш учун немис олими Пауль Эрслих Сальварсанни (606 тажрибасида), новарсенолни-неосалеварсанни (914 тажрибасида) синтез қилган ва сифилис (бледная спирахета)ни даволай бошлаган. Ҳозирги кунда ҳам П.Эрслихнинг химиотерапиянинг асосчиси деб юритилади. Унинг синтез қилган ва қўллаган дорисини "волшебнке пули-сехрланганук" деб юритилади, чунки улар микроб ёки бошқа сабабчини организмнинг қаерида бўлмасин унга ўлдирувчи таъсир кўрсатади. Антибиотикларни очиш, тайёрлаш ва уларни қўллаш учун интилиш 1942 йилдан кўп йиллар аввал бошланган.

6). Луи Пастер ва Жубер (1857 й) ачитиш, бижғитиш процессига боғлаб беришга ҳаракат қилди. Буюк француз олими Луи Пастер томонидан пастеризация усули яратилиши (сут ёки мева шарбатини 100° қиздириш йули билан уларни бижғиш жараёнидан холос қилиш пастеризация деб аталади) биотехнологияда микроорганизмлардан онгли равишда фойдаланишга асос солади.

7). Қадим замонларданоқ юкумли касалликларни кўзга кўринмайдиган майда организмлар тарқатиши Марказий Осиёда маълум бўлган. Улуғ бобоколонимиз Абу Али Ибн Сино (980-1037) баъзи касалликлар (чечак, вабо, сил) кўзга кўринмас организмлар орқали пайдо бўлишини эътироф қилди, ҳамда уларга қарши спиртли суюқлик (вино)лар ва роза гули суюқлигини қўллай бошлайди. Моғорли замбуруғ кукунини йирингли яраларни даволашда қўллаган.

8). Маълумки, рус олими И.И.Мечников 1893 йилда фагоцитоз ҳодисасини (1845-1916) кашф этган бўлса, 1894 йили Парижда Пастер институтида ишлаб, сапрофиталарнинг (простокваша) антимиқроб таъсири борлигини очишга муяссар бўлади. 1887 йили у киши Парижга бориб 28 йил ишлайди, Пастер вафот қилгач(1895й), институтга раҳбарлик қилди. 1908 йили фагоцитоз ва иммунитетлар бўйича олиб борган илмий ишлари учун Нобель мукофоти берилади.

9). 1871 йили Монассеин кўк моғор замбуруғи ва бактерияларнинг антогонист эканлигини исботлаб беради. Кейинчалик ушбу ишларни тарқарорлаштириш учун "Пенициллин" институт ташкил қилинди, тезда экмолин ва бошқа антибиотиклар тайёрланаверди. Стрептомицин кашф этилди, уларни микроорганизм (замбуруғ ва бошқаларни) махсус майдаланган ғалладан озика тайёрлаб ўстира бошланди, айрим микроэлементлар қўшилди.

Аммо суюқ озикаларда ўстирилган ва улардан тайёрланган антибиотиклар жуда тез бузилади, ишлатиш вақти жуда қисқа эди. Кейинчалик улардан кристалл, тозаланган, фармакопоя талабларига жавоб бера оладиганларини ампула, флаконларга солиб, совук, ва бошқа ташқи муҳитга чидамлилари чиқарила бошланди. Махсус ферментёрлар яратилди. Формальдегид ва унинг препаратлари қўлланилади, уларнинг таъсир механизмлари шундан иборатки, улар оксил бирикмалардан кислородни сиқиб чиқариб митохондриянинг айрим қисмларини парчалайди. Бундай таъсирга кўпроқ микроб хужайралари сезгирдир, лекин ҳайвон организмидаги хужайралар ҳам сезгир.

Ветеринария амалиётида кенг ишлатилиши ва самарадорлиги бўйича катта аҳамиятга сазовор бўлган Ушбу воситалар микроорганизмларга қарши таъсир этадиган препаратлардан. Булар фармакологик таъсири бўйича микроорганизмларни ўлдирати бактериостатик микроорганизмларнинг ривожланиши, кўпайишини тўхтатади. Лекин бактериоцид ва бактериостатик таъсир ўртасига чегара қўйиш қийин, чунки бир хил модданинг кичик концентрацияси бактериостатик, катта концентрацияси бактериоцид таъсир кўрсатиши мумкин.

Микробларга қарши моддалар 3 турга бўлинади:

- a. Дезинфекцияловчи моддалар.
- b. Антисептик моддалар.
- c. Химиотерапевтик моддалар.

Микробларга қарши моддалар деганда антисептик, дезинфекцияловчи моддалар кўзда тутилади, чунки улар асосан кучли бактериоцид ва микробларга қарши кенг доирада таъсир кўрсатади. Дезинфекцияловчи моддалар идишлар, хоналар, тиббий асбоблар, кийимлардаги микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатиш учун қўлланилади. Бу моддалар ишлатилган жойларни ўзгартириши, хиди ёқимсиз бўлмаслиги керак.

Антисептиклар терида, шиллик қаватда ва яралардаги микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатиш учун қўлланилади. Бу моддалар тўқималарни таъсирламаслиги, кўзғамаслиги, қўйилган жойидан қон га сурилмаслиги, аллергиялик жараёнларни содир этмаслиги керак. Булар айниқса болалар учун кам захарли бўлиши керак, чунки уларда тўқима тўсиқлари ҳам яхши ривожланмаган бўлади.

Бу модданинг бирини антисептик, бошқасини дезинфекцияловчи дейиш, улар бу модданинг бирини антисептик, бошқасини дезинфекцияловчи дейиш, улар ўртасидаги чегара қўйиш қийин, чунки уларнинг кўпчилиги аниқ концентрацияда антисептик сифатида, ундан катта концентрацияда дезинфекцияловчи модда сифатида қўлланилади.

Химиотерапевтик моддалар микробларга танлаб таъсир этади, улар асосан организмда жойлашган микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатиш учун қўлланилади.

2.1. Альдегидлар фармакологияси

Альдегидлар — водородсиз алкогольлардир. Уларнинг асосий хусусияти молекуласида албатта $O=C-H$ группировкасининг бўлишидир.

Таббий альдегидларнинг катта қисми ўсимликларда асосан эфир мойларида ва кўп микдорда тирик организмларда органик моддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган оралиқ маҳсулот ҳолида учрайди. Альдегидлар осон оксидланади ва қайтарувчи ҳолида таъсир этади ($R^* \text{ ЮН } -O-R^*COOH$) лекин улар қайтарилиш ва спиртга айланиши ҳам мумкин ($R^*COH - H_2O - R^*CH_3$) ишқорий муҳитда эса қўшилувчи оксидланиш — қайтарилиш реакцияси содир бўлади ($2R^* COH - COH - CH_2OH - R^*COOH$).

Бу реакциялар альдегидларни қўллашда асос бўлади. Бу группага кирувчи кўп микдордаги моддалардан ветеринария амалиётида

Формальдегид-Formaldehydum.

Бу чумоли кислотасининг альдегиддир. Рангсиз, ўзига хос ўткир ҳиди газ- 21° совукда суюқликка айланади -92° да эса музлайди. Сувда ва спиртда ҳар қандай нисбатда эрийди. Формальдегидни қизитилган мис устидан метил спирт парлари орқали $45-50^\circ$ иссик ҳавони ўтказиш йули билан олинади.

Формальдегид осон полимерланади ва диоксиметилен $(CH^* CO_2H)_2$ триоксиметилек $(CH_3COOH)_3$ ва бошқа полимерларга айланади. Формальдегид оксидловчилар, фенол, камфора, ментол, тимол ва резорцин билан бирикмайди.

Формальдегид фақат нам муҳитида таъсир этади. Намлик билан бир қаторда дезинфекциялаш учун температура ҳам аҳамиятлидир. Температура 10° дан паст бўлмаслиги керак, қанча юқори бўлса формальдегиднинг антимикроб таъсири шунча кучаяди. Паст температурада формальдегид бактерияларни ўлдириш тугул, уларга бакгериостатик таъсир ҳам кўрсатмайди.

Эритмалар шаклида формальдегид юқори бактериоцидлик таъсир кўрсатади 1% ли концентрацияда у 0,1% ли сулемага тенг ва ундан ўз таъсирининг турғунлиги ва узоқдаги билан фарқ қилди.

Формальдегид - қичимага қарши кучли моддалардир. 23% ли эритма эритма ёки 2 %ли линиментхолида қичима каналларини ўлдиради. Бундау паразитнинг ҳазм қилиш аппаратиорқалитаъсир этади. Ҳайвон узоқ вақт териси устида қанча узоқ турса шунча ишончли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам у пашшалар учун жуда заҳарли (0,1% ли эритмаси) ва бургалар учун унча таъсири йўқ.

Шиллик қаватларга, терига ва жароҳат юзасига таъсир этганда формальдегид аввал қотирувчи кейин қитиқловчи таъсир кўрсатади. Қотирувчи таъсирда тўқималарда сувни чиқариши аниқ билинади. Бунда тери ёки шиллик қават қуруқ қаттиқ бўлиб қолади ва безларнинг секрецияси жуда озаяди.

Формальдегид билан зарарланганда у тушган жойда ўткир яллиғланиш вужудга келади, хансираш, умумий сусайиш содир бўлади.

Заҳарланганда оксил ичқизилади НСОН ни бириктириш учун, ошқозон ювилади, актив кўмирнинг сувдаги эритмаси билан, специфик антидот тарзида ацетат аммоний эритмаси берилади.

Формалин хона парни, усти бошларни ва бошқа предметларни дезинфекциялаш учун ишлатилади. Қичимага қарши 2-5% ли. спиртли эритмаси, йирингли конъюктивитда яллиғланишга қарши 0,001% эритмаси ва пашшаларга қарши ҳамда патологоанатомик препаратларни консервация қилиш учун ишлатилади.

Парчаланмаган уротропин буйраклар орқали ажралади ва сийдикни кислотали муҳитида ўз компонентларига парчаланаяди.

Уротропиннинг характерли хусусияти шундаки у буйрак ва сийдик йулларига дезинфекцияловчи таъсир кўрсатади ва кучсиз диуретик таъсир этади.

Ичиш учун ва вена ичига юбориш учун дозаси: сигар га 5,0-20,0; эшак, куй, эчки ва чўчқага 2,0-5,0; ит ва тулкига 0,5-2,0; товукдларга 0,001-0,05.

2.2. Ўзидан кислород берувчи моддалар.

Бу группага оксидлаш хусусиятига эга бўлган яъни ўзидан атомар кислород ажратадиган доривор моддалар киради. Атомар кислород ўз молекуласидан ажралиб активлашади ва микроблар билан бирикиб бактериоцид таъсир этиб, кучсиз концентрацияларда сезувчи нерв охирларига қитиқловчи таъсир кўрсатади, кучли концентрацияда эса тўқималарни некроз қилади.

Водород пероксид - Hydrogenii peroxhydum.

Практикада водород пероксиднинг эритмаси қўлланилади. (H₂O₂) -Solutio hydrogenii peroxydi concentrata ёки Perhydrolum (30% H₂O₂) -Solutio hydrogenii peroxydii diluta ёки Hydrogenii peroxhydum solufum (3% H₂O₂).

(30% H₂O₂) кучли оксидлаш хусусиятига эга бўлган, тиниқ рангсиз, кучсиз кислотали (нордон) реакцияли суюқликлар.

Водород перекисининг таъсири қисқа муддатли ва юзаки бўлади. Температуранинг ортиши билан унинг бактерицидлиги ортади. Масалан: 1% ли эритмада 150 да стафилакокклар 10 минутда ўлади, 35° да эса 1 минутда ўлади.

Водород перекисининг официаль эритмаси рецепторларни қитиқлайди ва қотирувчи таъсир кўрсатади: унинг ютирувчи эффект қон тўхтатиш таъсири билан исботланади. Ичилганда H₂O₂ шиллик ажралишини кучайтиради. Итларда қайт қилишни чақиради. Сигирларда эса ошқозон чандиғида газ тўпланиб оғир формадаги тимпонияни вужудга келтиради. Отларда кўпинча ошқозоннинг ўткир шишишини келтиради.

Стоматитларда H₂O₂ эритмаси ёқимсиз ҳидларни йуқотади (чирувчи процессларни йуқотади).

Водород перекисининг жарохатларга бактериоцидик таъсирдан ташқари ундан ажралиб чиққан кислород кўплаб майда пуфакчалар ҳосил қилиб қон қуюмлари ва жарохатни механик равишда ҳар хил ифлосликлардан тозалайди: у грануляциян тўқимани активлаштиради.

Водород перекисининг 3% ли эритмаси асосан яраларни дезинфекция, дезодорация қилиш учун, ташқи қулоқ яллиғланишида фибриноз конъюктивитда

ва фарингитда, хирургияда эса ёпишиб қолган бинт ва салфеткаларни ажратиш учун ишлатилади.

Калий перманганат - *Kalii hypermanganas* $KMnO_4$ тўқ савсар рангли ромба шаклидаги кристалл порошок сувда эрийди ва концентрациясиниг ортишига қараб, пушти рангдан то тўқ малина ранггача ўзгаради.

Калий перманганат спирт, глицерин, шакар, эфир мойлари, салицил ва карбол кислота танин, олтингурут, кўмир ва бошқа органик ва осон оксидланувчи моддалар ҳамда йод, симоб ва бошқа алколоидлар билан бирикмайди.

Калий перманганат органик моддалар билан ўзаро таъсир этиб ишкорий ва кислотали муҳитда озод кислород ажратиб чиқаради. Аммо кислотали муҳитда кучли ва интенсивроқ.



Куйдирги споралари 3%ли $KMnO_4$ эритмасида 1 суткада улади, сил тайёкчалари эса 5 суткада ҳам ўлмайди.

Калий перманганатнинг 0,1% -1% ли эритмалари катараль, йирингли ва сассиқ стоматитларда, фарингитларда, проктитларда, вагинитларда ва эндометритларда қотирувчи, дезинфекцияловчи ва дезодорант таъсир кўрсатади; 2-4%ли эритмаси $KMnO_4$ қуюқларда компресс учун ишлатилади: 1:1000 концентрациядаги йирик шохли ҳайвонлар қинини трихомоноз бўлганда ювиш учун ишлатилади.

Фосфор ва морфин билан захарланганда 1-3% ли эритмалари ичказилади. Шунингдек 0,1-2% эритмалари ўткир-гастритда яллиғланишга қарши ичказилади. 2-4%ли эритмалари гўшт дўконлари, колбаса балиқ идишларини дезинфекция ва дезодорация қилиш учун ишлатилади.

Калий перманганат ўтловчи ҳайвонларда ҳам зарарлидир. Қурук $KMnO_4$ нинг 15,0-20,0 грами отларга берилганда ҳазм аппаратида ҳеч қандай бузилиш бўлмайди. Сўйилган ҳайвонларни ёриб кўрилганда ҳам ҳеч қандай ўзгариш аниқланмаган, ҳатто шиллиқ қаватларнинг бўялиши ҳам жуда кам учрайди.

2.3. Хлор препаратлари.


Хлор табиатда жуда ҳам тарқалгандир. У жуда кўп хилма-хил моддалар: таниқли заҳарлар (иприт, дифосген), стимуляцияловчи дорилар (кальцийхлорид) озиқ моддалар (Ош тузи) нинг асосини ташкил қилди.

Таркибидан озод хлор ажралиб чиқиб антимикроб таъсир этадиган ва хлор билан фармакологик актив ҳисобланган жуда кўп миқдорда препаратлар бор. (хлорли калий ва хлорли натрий тузлари, оҳак, хлорли сув, хлорацид ва хлорамин).

Озод хлор совуқ сувда жуда яхши эрийди, температура ортиши билан унинг эрувчанлиги пасаяди: масалан: 4° сувда 460 ҳажм газсимон хлор эриса, 20 да 226 ҳажм, 90 да эса 14 ҳажм эрийди. Буни хлорли сув тайёрлашда эътиборга олиш керак. Хлор липоидларда эримайди ва ёғларда жуда ёмон эрийди. Шунинг учун ёғлар предметларни хлорнинг ўювчи таъсиридан сақлаш учун ишлатилади.

Куруқ газсимон хлор инерт бўлиб фосфор, темир каби реактив-моддалар билан ҳам реакцияга кирмайди.

Нам муҳит да эса унинг актишиги анча юқори, сув билан хлор, хлор кислотаси хлорсимон кислота (хлорноватистая кислота) ҳосил қилади.



HClO чидамсиз бўлиб, тезда HCl ва кислородга ажралиб кетади.

HClO-HCl + O ажралиб чиқади O кучли оксидловчи бўлиб антимикроб таъсир кўрсатади.

Хлорнинг гапосульфат натрий билан реакцияси ортиқча хлорли нейтраллаш учун ($\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3 + 4\text{Cl}_2 + 5\text{H}_2\text{O} - \text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 8\text{HCl}$) унинг водород сульфид билан ўзаро таъсири. ($\text{H}_2\text{S} + \text{Cl}_2 - 2\text{HCl} + \text{S}$; $\text{S} + 4\text{H}_2\text{O} + 3\text{Cl}_2 - \text{H}_2\text{SO}_4 - \text{HCl}$) ва аммиак билан ўзаро таъсири этиб ($2\text{NH}_3 + 3\text{Cl}_2 - \text{N}_2 + 6\text{HCl}$; $8\text{NH}_3 + 3\text{Cl}_2 - 6\text{NH}_4\text{Cl} + \text{N}_2$) дезодорация учун ишлатилади.

Хлорнинг таъсир механизми унинг ажратиб чиққан кислород билан оксидланишидан иборат. Кислотали муҳитда хлор кислота ҳам қисман таъсир этади. Бундан ташқари хлорнинг ўзи ҳам оксиллар билан реакцияга кириб уларнинг хусусиятларини бузади. Ҳар хил тўқималарга алоҳида специфик таъсир кўрсатмаса ҳам хлор тирик тўқималарга ҳам микробларга ҳам бошқа органик ва ноорганик бирикмал арга интенсив таъсир кўрсатади.

Эритмада хлор қанча кўп булса унинг реакцияси шунчаинтенсив содир бўлади. Ифлосланган объектларни дезинфекциялашда хлор тезда органик, намга бой моддалар билан реакцияга киришади.

Газсимон хлорнинг тирик организмга таъсири унинг нам шиллиқ қават ва жарроҳ юзасига текканида билинади. Кучсиз концентрацияда нерв учларини китиклайди ва безларнинг секрециясини кучайтиради. Концентрациянинг ортиши билан бу таъсирлар кучаяди ва яллиғланишга олиб боради.

Кальций гипохлорид (хлорли оҳак, оқлайдиган оҳак) - *Calcii hydrochlorosum (calcaria chlorata)*.

Бу асосан ишлаб чиқаришнинг техник шароитига қараб, сақланиш шароитига қараб кальций хлорид (CaCl_2) кальций гипохлорид $\text{Ca}(\text{OCl}_2)$ ва кальций гидратакиси $\text{Ca}(\text{OH}_2)$ нинг ҳар хил нисбатдаги аралашувидан иборат.

У тоза, сўндирилган оҳакни улар билан тўйинтириши йули билан олинади. Оқ ёки кулранг порошок бўлиб хлор ҳиди келиб туради. Сувда қисман эрийди. Хлор оҳагининг асосий таъсир этувчи ингредиенти хлор бўлиб у 40 % гача бўлади. Актив хлор оҳакда озот холда ҳамда гипохлорид кальций ҳолида бўлади. Кислотади муҳитда у сув билан ўзаро таъсир этиб HC ва HCO га айланади. (HCO парчаланиб азот кислород чиқаради).

Ишқорий муҳит да оҳакнинг актив қисми гипохлоридлар асосан кальций гипохлорид бўлиб у окись хлорга C_2O атомар кислородга ва озод хлорга ажралади.

Оҳакда хлорнинг микдори ўзгарувчан бўлганлиги учун ҳар хил дезинфекцияловчи эритмалар тайёрлашдан олдин унинг микдорини аниқлаш керак. Бунинг учун иодометрик усулдан фойдаланилади 1 грамм оҳакни 10мл 10%

ли калий йодид эритмасига қўшилади ва унга озод йод тўла ажралиб чиққунча суолтирилган ёки кучли хлорид кислота қўшиб децинормапъ натрий гипосульфат эритмаси билан титрланади.

Кислотали муҳитда калий йодиддан сиқиб чиқарилган йоднинг миқдори актив хлор миқдorigа эквивалентдир.

Хлорли оҳак микробларнинг вегетатив формаларинини ва спораларинини ўлдиради, аммо манка ва сил микробларига таъсир этмайди. Оҳакнинг сувдаги 30% ли эритмаси 1 минутда куйдирги спораларининг ўсишини тўхтатади, 5% лиси 20-25 минутда 1% ли эритмаси эса 90 минутда сарамас, чўчка сентицемиyasi ва бошқа кўпгина вегетатив микроблар хлорли оҳакнинг 1 %ли эритмасида 1 минутдаёқ ўсишдан тўхтади.

Стафилакокк ва стрептококклар 1% ли эритмада 1-5 минутдаёқ, ўсишдан тўхтайдилар. 0,4% ли сулемага тенг хлорнинг антимикроб хусусияти сувли муҳитда 3-10 секунддаёқ намоён бўлади.

Практикада оҳак эритмалари дезинфекцияланувчи объектга 15-20 минут, агар жуда ҳам ифлосланган жойлар бўлса 1 соат таъсир эттирилиши керак.

Газсимон хлор сингари хлорли оҳак ҳам аммиак ва водород сульфид билан реакцияга киради ва уларни нейтраллайди. Шунинг учун ҳам дезодорацидда қўлланилади.

Ҳайвонлар терисига қуруқ оҳак таъсир этмайди, лекин эритма ҳолида бўлса ёки намлик бўлса қитиқловчи таъсир қилди ва концентрацияси қанча юқори бўлса шунча кучли таъсир этади.

Практикада хлорли оҳак ҳайвонлар туёғидаги шишларни емириш учун ишлатилади. Унинг бу хусусияти антимикроб ҳолда ишлатилганда салбий таъсир этиши мумкин.

Хлорли оҳак отхона, молхона, тупрок, гўнг, вагонлар ва сувни дезинфекция қилиш учун ишлатилади. Уни эритма взвесь ҳолида 6-33% лиси, тиниқ эритма ҳолида 1-5% лиси ёки қуруқ ўзи ишлатилади. Хлорли оҳак билан металл буюмлар, текстиль ватери буюмпари дезинфекция қилинади.

2.4. Кислоталар, ишкорлар ва совунлар.

Кислоталар диссоциаланиш даражасига караб ҳар хилда бўлади, таъсир механизми ҳам анчалик бўлса кислоталарнинг биологик таъсири шунчалик кўпроқ сезилади. масалан:

1. Кучли кислоталар диссоцияланиш 85% якин HCl , H_2SO_4
2. Уртача-10% уксус кислотаси
3. Кучсиз-1% сут кислотаси

Кислоталарнинг тер ива шилик, пардаларга кўрсатадиган маҳаллий таъсири водород ионлари концентрациясига караб буриштирувчи, таъсирловчи ёки куйдирувчи эффектлар билан ҳарактерланади.

1. HCl - катта роль ўйнайди овқат ҳазм қилиш системасига (0,2-0,5%) бундан ташқари бактериолитик ва бактериостатик таъсир этади.

2. H_2SO_4 - қўлланилади дезинфекцияповчи модда сифатида 4-5% ли эритмаси. Буларни антидот сифатида ишлатилади ва кўрғошин тузлари билан захарланганда.

3. Азот кислотаси қўлланилади хайвонларда некробактериозда, дозада ҳар хил яраларда.

4. Бор кислотаси қўлланилади бактериостатик модда сифатида, офтальмологияда, гинекологияда ҳар хил қорин мода сифатида.

5. __. кислотаси антисептик ачиш бижғишга қарши модда сифатида.

6. Уксус кислотаси паразитларга қарши ачиш, бижғиш, чиришларга қарши модда сифатида, ҳамда озик-овқат маҳсулотларни консервация, ошқозон ичакларни перестальтикасини бошқаришда қўлланилади.

Ишкорлар-Alcalia

Ишқорларнинг фармакологик таъсири ионларига боғлиқдир. Булар кучли бактерицид ва бактериостатик таъсирга эга бўлиб вегетатив формадаги микроорганизмларни ўлдиради. Қўлланилади дезинфекция қилиш учун. Тиф касаллиқтарида, айникса ёз, куз, қиш ойларида дағал озикларни тез ҳазм бўлиши учун ва бошқаларда. Антидот сифатида кислоталар билан захарланганда.

Препаратларидан калий карбонат, магний окис ва бошқалар. Ишкорлар ҳам концентрацияси қанча юқори бўлса таъсири ҳам кучли бўлади, булар ҳам таъсир механизми буйича 3га бўлинади:

Кучли -NaOH, KOH

Ўртача- карбонатлар

Кучсиз- гидрокарбонатлар.

Совуштар- Сапонес.

Совунлар юқори молекуляр ёғли кислоталар тузларидан иборат бўлади. Булар ювиш, тозалаш ва даволаш хусусиятларига эга совунлар иккига бўлинади: қаттик, ва юмшок, Қаттик совунлар - натрийлилар. Юмшок -калийлилар.

Яхши совун олинади: калий ишқоридан, ўсимлик мойидан, пахта ёҳидан, кунжут ва балик мойидан ва бошқалардан олинади, қўлланилади. Юз қўлни тозалаш, ювиш учун жароҳатларни тозалаш учун, операция қиладиган жойларни ювиш учун, заҳарли моддалар тушган жойларни ювиш учун, терини юмшатиш учун, сурункали артрит, мускуллар ревматизмида, ҳайвонларни клизма қилишда ичга антидот модда сифатида, металл тузлари билан заҳарланганда.

Медицина совун олинади: чўчка ёғидан, кунгабокар мойидан ва бошқалардан, амалиётда совунларга дори моддалари кўшилади.

Масалан: феноллар, ихтиол, олтингугурт, бор кислотаси ва бошқалар. Умуман совунлар тиббиётда ва ветеринарияда жуда катта ахамиятга эга.

2.5. Фенол ва унингбирикмалари.

Феноллар бензол ядроси водородларига ўрнини босадиган гидроксил группалари борлиги билан ҳарактерланади. Бу группалар сонига караб феноллар бир атомли (фенол), икки атомли (резорцин, гидрохинон, пирокатехин) ва уч атомли (пирогаллол) деб ажраладир. Метил группалар, нитрогруппа, аминогруппа ва бошқа радикаллар билан ўрин алмаштирилганда яна ҳам мураккаб кўшилмалар қилдилар, буларнинг кўпчилиги ўзларининг хусусиятлари ҳам ҳарактерлари буйича феноллар билан кўп умумий нарсаларга эга бўладилар. Бу кўшилмалардан

крезол препаратлари (крезол, лизол, креолин) лар эътиборни жалб этадилар. Фенол группалари билан биргаликда уларга ўзларининг тузилишлари ҳам қурилишлари билан таъсирлари билан ёғоч қарамойи, ихтиол, нафталин ва бошқалар шунингдек нафталин ҳам ундан ясалмалари деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Фармакология нуқтаи назаридан бу группа ветеринарияда кенг истеъмол қилиниши билан аниқловчи специфик, бактерицид ҳам паразитларга қарши ҳаракати билан ёрқин ифодаланган даволовчи моддалар билан ҳарактерланади.

Фенол ва унинг гомологлари тош кўмир, кўнғир кўмир, торф, сланецларни ҳайдалганидан олинади, лекин уларни бензолдан синтетик усулда олиниши соддарокдир.

Фенол препаратини бактериоцидлик инсектицидлик таъсири ўта мураккаб бўлади. Енгил липоидларда эриб, улар энг аввал микроб хужайрасини сўрилиши ва ажралиш фаолиятани бузади, шундан кейин дегизрозни ферментация активлигини блокада бирлаштиради, липопроедларни ҳосил бўлиши бузилади ва микроб хужайраси, текин хўрларни оксидни синтез қилиши бузилади. Фенол препаратаари фақат етарли катта концентрацияси ёки узоқ экспозицияси таъсири бактериоциддир. Уларнинг кучсиз концентрацияси эса бактериостатик таъсир қилди. Фенол препаратини бактериоцидлик ва инсектицидлик хоссаси ўзи сақланган муҳитда боғлиқ. Органик моддаларни бўлиши бир неча марта унинг таъсир кучини камайтиради, аммо унинг вақтини эса узайтиради. Бу эса фенол (ундан кейин крезоллар) оқсили жуда мустахкам эмас, комплекс бирикмани ҳосил қилиб, кайси тез емирилиб, бу моддалар ажралиб чиқади. Ёғлар билан улар химиявий таъсири киришмайди фақат ундан эрийди ва бундай кўринишга жуда секин микроблар билан резорбцияланади.

Практик кузатишлар алохида қуйидаги хулосаларга келиндикки, қайсики феноллар органик моддалар бўлганда ўзини активлигини 5-15%, аммо крезоллар

эса факат 3-5% йўқотади. Фенол препаратларини бактериоцидлик ва инсектицидлик температура кўтарилиши билан ўсиб боради, ундан ташқари қайсики бир асосли тузлар (NaCl) ёки кислоталар (HCl), (H₂SO₄) бўлса ўсиб боради.

Яра юзаси билан алоқадор бўлган жойларни фенол препаратлари нерв учларини қабул қилиш хусусиятини пасайтиради. Қисқа муддатли таъсир эттирилганда бу ҳолатда ўз изини қолдирмайди, аммо узок (бир соатга яқин) таъсир эттирилса, нервларни дегнерация ҳолатига олиб келади, қачонки препаратни концентрацияси юқори бўлиши кучли ифода этилганда узок экспозицион таъсир қилади.

Фенол — (трбол жслотаси) - Phenolm (Acidum carbolicum)

Бу бензол, унинг бир водородли гидроксил группасини ўрнини олган. Тоза ҳолатда, фенол рангсиз, йирик призмасимон кристалла ёки специфик хидга эга, енгил эрувчандир.

Фенол сувда яхши эрийди (1:15), енгил - спиртда, эфирда, бензолда, глицеринда, мойда, ундан ташқари ўювчи ишқорнинг эритмасида унинг ўзи сувда 10%-гача эрийди ва гидрат фенолга айланади, ташқи томонидан суюқликни эслатади.

Суюқ фенол - Phenolum liqafactum.

Бу препарат кўпгина ҳолларда кристалдан кўра биров ўнгайровдир. Фенол секин-аста микробларга таъсир қилади. Фенол учун хос бўлган хусусият шундан иборатки, бактериостатик таъсир қилади. Ва биров камроқ бактериоцидлик 0,5-1% ли эритмаси чиришини тўхтатади, микроб организмларини ривожланишига тўсқинлик қилади, аммо унинг *in vitro* 2% ли концентрацияси 5-10 минут давомида барча маданий шаклдаги микробларни ўсишини тўхтатади (куйдирги тайёқчасини) чўққа рожасини, оқсил уйғотувчисини. Фенол канна ва битлар учун захарлидир. Унинг 2-3% ли эритмаси кўтир канасини *in vitro* 2-5 минутдан кейин ўлдиради 5% лиги 1 минутда аммо 4,5 % ли мази оқ 5-15 минутда ўлдиради.

Фенол дезинфекция моддаларини стандартлашда бир хил пайтда дезинфекция учун қўлланилади.

Резорцин- Resorcinum- Мета диоксибензол- $C_6H_4(OH)_2$

Бензолдан ёки унинг ҳосилаларидан синтетик усулда олинади. Рангсиз ёки енгил рангланган кучсиз - қизғиш рангдаги игнасимон кристаллар бўлиб, жуда кучсиз ўзига хос ширинроқ тирновчи таъмидир. Сувда енгил эрийди (1:1). Ёруғлик ва ҳавода сақлаганда унинг ранги қизғишланади. Резорцин бактериоцидлиги билан фенолга яқинроқ, аммо кўтирга қарши унинг таъсири бир неча марта кучсиз, зарлилиги ҳам фенолдан паст. Фенолдан резорцинни фарқи шундаки, унинг кучсиз концентрацияси 1-2% керотопластик ва катта 20-30% лиги эса кератолитик таъсир қилади. Резорциндан жун ва сочлар яшил ранга бўялади.

Препарат ташқи томонга кратопластик хом ашё шаклида маз (2-3% ли) ундан ташқари кўзнинг шиллик пардасини дезинфекция қилишида (0,5-1%ли эритмаси), сийдик пуфагини (2-3%) эритмаси сифатида қўлланилади.

Ичга унинг бир хил пайтда очишга қарши хом ашё сифатида тайинланади. Кавшовчиларга эса ўткир атония бўлганда берилади.

Микдори: отларга 10,0-15,0; йирик шохли хайвонларга 10,0-20,0; майда хайвонларга ва чўчкаларга 5,0-10,0; итларга 0,5-1,0; товуқларга 0,1мл.

Фенилсалицилат(салол) - Phenilii salicyltis (Salolum).

